

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДАРОМАДИДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Сидиков Низомидин Гуломович
Алфраганус университети
доценти, и.ф.н.

Аннотация. Мазкур мақолада жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқларни такомиллаштириш, давлат бюджети даромадларидаги улушини ошириш, меҳнатга лаёқатли аҳолининг солиқ тўлашдаги салмоғини ошириш масалалари ўрганиб чиқилди ва таҳлил қилинди. Шунингдек, солиққа тортишнинг прогрессив шкаласини жорий қилиш, аҳоли даромадларини солиққа тортишда умумдекларациялаш тизимини ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш орқали жамиятда бойликни қайта тақсимлаш ва иқтисодий тенгсизлик даражасини пасайтириш имконини бериш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Калит сўзлар: мезон, нафақахўр, номутаносиблик, пропорционал, ҳуфёна иқтисодиёт, номинал, оптимал, инвестицион, икки поғонали.

Аннотация. В данной статье были изучены и проанализированы вопросы совершенствования налогов на доходы физических лиц, увеличения их доли в доходах государственного бюджета, повышения доли трудоспособного населения в уплате налогов. Также были разработаны предложения по внедрению прогрессивной шкалы налогообложения, что позволит перераспределить богатство в обществе и снизить уровень экономического неравенства.

Ключевые слова: критерий, пенсионер, дисбаланс, пропорциональный, теневая экономика, номинальный, оптимальный, инвестиционный, двухступенчатый.

Annotation. This article examines and analyzes the issues of improving personal income taxes, increasing their share in state budget revenues, and increasing the share of the working-age population in tax payments. Proposals were also developed for the introduction of a progressive tax scale, which will allow for the redistribution of wealth in society and reduce the level of economic inequality.

Keywords: criterion, pensioner, imbalance, proportional, shadow economy, nominal, optimal, investment, two-stage.

Кириш. Жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқлар турли иқтисодий ва ижтимоий вазифаларни ҳал қилишнинг асосий воситаларидан бири ҳисобланиб, аҳоли даромадларининг даражасини тартибга солади, фуқароларнинг турмуш тарзи ва жамғарма моделларини шакллантиради, даромадларини оқилона тақсимлашга ва ижтимоий тафовутларни юмшатишга кўмаклашади.

Ҳозирги вақтда солиқ тизимини жисмоний шахслардан олинадиган

даромад солиғисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Айнан жисмоний шахсларнинг даромадларни солиққа тортишнинг оқилона солиқ сиёсати халқ фаровонлиги ва тараққиётини оширишга кўмаклашиши керак. Турли ижтимоий гуруҳлар ва, энг аввало, аҳолининг энг кам ҳимояланган қатламлари, хусусан, пенсионерлар (нафақахўрлар), ногиронлар, кўп болали оилалар ва шу кабиларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳолини тенглаштириш учун жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиғ тушумлари ҳажмининг номутаносиблиги ҳам бундан мустасно эмас.

Уни пропорционал яъни бир босқичли, теккис шкала бўйича ҳисоблаш шунга олиб келадики, амалдаги солиқ сиёсати аҳолининг бой қатламлари даромадларини кам таъминланганлар фойдасига қайта тақсимлаш вазифасини самарали амалга ошира олмайди. Солиқларни йиғиш ва улар билан давлат бюджетини зарур миқдорда тўлдириш муаммосини ҳал этмасдан туриб, давлатнинг ижтимоий мажбуриятларини тўлиқ амалга оширишга ўтиш қийин.

Яна бир муҳим масала, давлат ижтимоий сиёсати вазифаларини амалга оширишни таъминлаш, жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқларни такомиллаштириш, яширин меҳнатга ҳақ тўлаш ҳажмининг ортиб бораётганлиги, солиқ тўлаши мумкин бўлган меҳнатга лаёқатли аҳолининг солиқ тўлашдаги улуши қисқариб бораётганлиги ҳолатлари мавжудлиги, солиқ тўловчилар сафини кенгайтириш ва пировард натижада давлат бюджети даромадларини оширишни таъминлаш мақсадида жисмоний шахсларнинг даромад солиғини ислоҳ қилиш муҳим аҳамият касб этиши тўғрисида деярли сўз юритилмайди. Фақат, ўзбек иқтисодчи олимлари ва айрим соҳа мутахассислари томонидан оммавий ахборот воситалари орқали солиқ соҳасида, хусусан жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқларни такомиллаштириш борасида фикр ва мулоҳазалар билдириш ҳолатлари мавжуд.

Мамлакат иқтисодиётида амалга оширилаётган ислоҳатлар хусусан солиқ соҳасидаги ўзгаришлар натижаси ўлароқ оптимал солиқ сиёсатини жорий қилиш орқали юқорида санаб ўтилган муаммоларга ечим топиш мумкин.

Солиқ тизимининг кўплаб турлари мавжуд бўлиб, улардан энг кўп муҳокама қилинадигани солиққа тортишнинг прогрессив шкаласидир. Ушбу мақолада биз ушбу тизим нима эканлигини, юқорида санаб ўтилган муаммоларни ечимига қай даражада боғлиқлиги ҳамда унинг афзаликлари ва камчиликларини кўриб чиқамиз.

Прогрессив солиқ тизими – даромад миқдорининг ортиб бориши билан солиқ ставкасининг ҳам ошиб боришига асосланган. Яъни қанча кўп даромад олинса, солиқ ставкаси ҳам шунча баландроқ бўлади. Бундай тизимнинг асосий мақсади ижтимоий адолатга таяниб, кўпроқ пул топадиганлар солиқларни ҳам юқори ставкада тўлашлари керак. Прогрессив шкала жамиятда бойликни қайта тақсимлаш ва иқтисодий тенгсизлик даражасини пасайтириш имконини беради.

Эътиборли жиҳати шундаки, жисмоний шахслар даромадига солиқ солишда солиқ ундирилмайдиган минимал даромад суммасини киритилиши ҳамда ижтимоий ва инвестицион кўринишдаги солиқ чегирмалар қўлланилиши, ўз навбатида аҳолининг турли қатламлари даромадларини қайта тақсимлаш асосида солиққа тортишда яширин прогрессияни таъминлаш ва адолатлилиқни мустаҳкамлаш инструменти бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Бинобарин, Ўзбекистонда ҳам 2019 йилга қадар жисмоний шахсларнинг даромадларини солиққа тортишнинг икки поғонали 7,5 фоиздан 22,5 фоизгача бўлган табақалаштирилган тизим амал қилган.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Жисмоний шахсларнинг даромадларини солиққа тортиш ва уни такомиллаштириш борасида кўплаб иқтисодчи олимлар ўзларининг илмий қарашларида фикрларини баён этганлар. Маҳаллий иқтисодчи олимларимиздан Н.А.Сафарова жисмоний шахсларнинг даромадларини солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш мавзусидаги илмий мақоласида жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш механизмидаги муаммолардан кўра, аҳоли даромадларини ошириш ва уларни қонунийлигини таъминлашга, шунингдек, жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишда уларнинг жами даромадларини аниқлаш, имтиёзларни қайта кўриб чиқиш масалаларига эътибор қаратган.

Бизнинг фикримизча, аҳоли даромадларини ошириш ва уларни қонунийлигини таъминлаш борасидаги фикр мулоҳазалари албатта ўринли, бинобарин, Ўзбекистон республикаси президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 20 июнда конституциявий комиссия аъзолари билан бўлиб ўтган учрашувда Конституциямизда “Ўзбекистон — ижтимоий давлат” деган тамойилни мустаҳкамлаш ғоясини илгари сурган эдилар. Шунга мувофиқ, Ижтимоий давлат ҳар бир инсон учун ижтимоий тенглик ва адолат тамойиллари асосида муносиб яшаш шароитини яратиб бериши, ижтимоий тафовутларни камайтириш, муҳтожларга ёрдам бериш бўйича самарали сиёсат олиб борадиган давлат моделидир. Бироқ, жисмоний шахсларнинг жами даромадларини аниқлаш ва имтиёзлар борасидаги фикр ва мулоҳазалари бўйича барча ҳуқуқий асослар мавжуд деб ўйлаймиз.

ТДИУ катта илмий ходими А.Т. Агзамовнинг “Солиқ тизимидаги ислохотлар макроиқтисодий барқарорликни таъминлашнинг муҳим фискал омили сифатида”ги илмий мақоласида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаларини солиқ субъектларининг оилавий ва ижтимоий аҳволи (оила бошлиғи, ёлғиз боқувчи), оилавий даромадларининг таркибига қараб табақалаштириш, шунингдек, резидент жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи базасидан ишчи ва хизматчи ходимларнинг ўрта ва махсус таълим муассасалари ҳамда соғлиқни сақлаш ташкилотларига қилган ижтимоий харажатларини йиллик ҳисобланган даромад солиғининг 10 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда чегириб ташлаш таклифини келтирган. Фикримизча, илмий ходим томонидан киритилаётган биринчи таклиф бўйича яъни жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ундиришда жами

аҳолининг ҳар бир оила бўйича турмуш даражаси ва ижтимоий аҳволидан келиб чиқиб белгилаш анча мураккаб жараёни талаб қилади. Биринчидан, ҳар йили аҳоли турмуш даражасини ўрганиш ва солиқ билан боғлаш иккинчидан, ортиқча харажатларни талаб қилиши мумкин. Кейинги билдирилган таклифлар солиқ қонунчилигида ўз тасдиғини топган.

Шунингдек, И.Юлдашевнинг «Жисмоний шахслар даромадини солиққа тортишда умумдекларациялаш тизимини жорий этиш масалалари» мавзусидаги номзодлик диссертациясида ҳам, жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишда умумдекларациялаш тизимини республикамиз амалиётида жорий этиш билан боғлиқ муаммолар тадбиқ этилган. Аксарият олимлар томонидан билдирилаётган фикрларнинг аксарият қисми жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқларни такомиллаштириш, солиқ имтиёзлари кўламини кенгайтириш, ҳамда аҳоли даромадларини солиққа тортишда умумдекларациялаш тизимини қўллаш каби таклифлар билдирилган.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида мавзуга оид назарий манбалар, амалий материаллар ва хорижий давлатларнинг тажрибаларини ўрганиш, таҳлил қилиш, таққослаш, гуруҳлаш, мантиқий фикрлаш, илмий мушоҳада, тизимли ёндашув каби усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Прогрессив шкалани тўлиқ ишлаши ва ўз самарасини бериши чегирмаларнинг қай даражада қўлланишига боғлиқ. Прогрессив шкалани солиққа тортиш турли даромад даражасига эга бўлган фуқаролар ўртасида солиқ юкини адолатли тақсимлашни таъминлашнинг самарали воситаси сифатида:

- ижтимоий адолат нуқтаи назаридан бойроқ фуқароларга солиқ юкининг катта қисмини кўтариши бу эса иқтисодий тенгсизликни камайтиришга таъсир қилиши ва охир оқибат молиявий ресурсларнинг янада тенг тақсимланишини таъминлашга ёрдам беради.

- иқтисодий ўсишни рағбатлантириш. Давлатнинг бюджет харажатларини кўпайтириш имкониятларининг ошиши ҳисобига аҳолининг кам таъминланган гуруҳлари истеъмол ва инвестиция учун кўпроқ ресурсларга эга бўлади, бу эса товар ва хизматларга бўлган талабнинг ошишига олиб келиши ижобий ҳолат ҳисобланиши мумкин.

Қуйидаги ҳолатлар эса, мураккаблик ва маъмурий харажатлар. прогрессив шкалани қўллашда мураккаб ҳисоб-китобларнинг мавжудлиги, маъмурий харажатларнинг кўплиги ва солиқ маъмурчилигини талаб қилиши; - солиқ солинадиган базани қисқариши, юқори даромад эгалари солиқ тўлашдан қочиш йўллари излашга ёки ўз активларини солиқлари пастроқ бўлган мамлакатларга ёки яширин секторга кўчиришга ундаши ва охир оқибатда самарадорликни пасайтириши мумкин.

Хулоса. Танланган мавзу юзасидан ёзилган илмий ишлар, хориж тажрибалари, мутассадди вазирлик ва идораларнинг маълумотларини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулосага келинди: Жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқларни бюджет даромадларидаги

улушини ошириш ва хуфёна иқтисодиётга барҳам бериш мақсадида:

- жисмоний шахслар даромадидан олинадиган теккис (бир босқичли) шкаладан прогрессив шкалага ўтиш;

- бевосита фуқаролар зиммасига тушаётган солиқ юкининг энг кам миқдорини илмий асосланган ҳолда белгилаш;

иқтисодиётнинг норасмий секторидаги жисмоний шахсларни бюджет даромадларидаги улушини оширишда иштирок этишини таъминлашга эришиш мумкин деб ўйлаймиз

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Агзамов. А.Т. Солиқ тизимидаги ислохотлар макроиқтисодий барқарорликни таъминлашнинг муҳим фискал омили.
2. Сафарова Н. Жисмоний шахсларнинг даромадларини солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш.
3. Юлдашев. И «Жисмоний шахслар даромадини солиққа тортишда умумдекларациялаш тизимини жорий этиш масалалари.
4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2023.
5. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (амалдаги таҳрири). – Т.: Norma, 2024.
6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги. Давлат бюджети ижроси бўйича ҳисоботлар (2021–2024 йиллар).
7. Ўзбекистон Республикаси Статистика агентлиги расмий маълумотлари. – www.stat.uz
8. "Иқтисодиётда иш ҳақи миқдорини баҳолаш бўйича услубий низом" – ЎзР Статистика агентлигининг 2024 йил 31 майдаги 122-сонли қарори.
9. Қодиров Ш. Солиқ тизимини такомиллаштириш йўллари. – Т.: Иқтисод, 2022.
10. Жаҳон банки ва ХМТ ҳисоботлари: “Informality and Inclusive Growth in Central Asia”, 2023.